

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XALQ TA’LIMI VAZIRLIGI
JIZZAX VILOYATI XALQ TA’LIMI XODIMLARINI QAYTA TAYYORLASH VA
ULARNING MALAKASINI OSHIRISH HUDUDIIY MARKAZI**

**“TA’LIMDA KREATIV YONDASHUV YO‘LLARINI
RIVOJLANTIRISHNING DOLZARB MASALALARI”**

*mavzudagi respublika ilmiy –amaliy
On Line konferensiyasi materiallari*

Jizzax 2021-yil

“Ta’limda kreativ yondashuv yo’llarini rivojlantirishning dolzarb masalalari” mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy ON-LINE konferensiya materiallari Jizzax: 2021 yil 273 bet

O‘zbekiston Respublikasining 2020-yil 23-sentabrdagi Ta’lim to‘g‘risidagi qonuni O‘zbekiston Respublikasi prezidentining 2020- 6- noyabrdagi “O‘zbekistonning yangi taraqqiyot davrida ta’lim tarbiya va ilm fan sohalarini rivojlantirish chora –tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-6108 farmoni, “Ta’lim-tarbiya tizimini yanada takomillashtirishga oid qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi PQ-4884-qarorida ko‘rsatib o‘tilgan va belgilangan ustuvor vazifalar ijrosini ta’minlash maqsadida mualliflar o‘z maqolalarida **“Ta’limda kreativ yondashuv yo’llarini rivojlantirishning dolzarb masalalari”** mavzusiga oid o‘z fikr va mulohazalarini ushbu respublika ilmiy-amaliy ON-LINE konferensiyasi to‘plamida bayon qilishgan.

Tahrir hay’ati

A.Sh.Xolmuroov	Iqtisod fanlari nomzodi, Jizzax viloyati XTXQTMOHM direktori
Sh.D.Abdurashidov	Jizzax viloyati XTXQTMOHM direktor o‘rinbosari
R.Q.Karimov	Jizzax viloyat “Pedagogika va psixologiya, ta’lim texnologiyalari” kafedrasida dotsenti
M.A.Tilakova	Jizzax viloyat “Pedagogika va psixologiya, ta’lim texnologiyalari” kafedrasida muduri. Pedagogika fanlar bo‘yicha falsafa doktori(PhD)
Sh.H.Haydarov	Jizzax viloyat “Pedagogika va psixologiya, ta’lim texnologiyalari” kafedrasida o‘qituvchisi
M.G`.Mo`minjonova	Jizzax viloyat “Pedagogika va psixologiya, ta’lim texnologiyalari” kafedrasida katta o‘qituvchisi
N.Ya Qurbonov	Jizzax viloyat “Pedagogika va psixologiya, ta’lim texnologiyalari” kafedrasida katta o‘qituvchisi
Ch.Yunusova	Jizzax viloyat “Pedagogika va psixologiya, ta’lim texnologiyalari” kafedrasida o‘qituvchisi
Texnik muharrir G.T.Hamrayeva	Jizzax viloyat “Pedagogika va psixologiya, ta’lim texnologiyalari” kafedrasida kabinet mudirasi

To‘plamda o‘rin olgan maqolalarning saviyasi sifati va ilmiy dalillarning haqqoniyligi hamda mazmuni uchun mualliflar masuldirlar.

To‘plam materiallari Jizzax viloyati XTXQTMO Hududiy markazi ilmiy metodik kengashining 2021 yil ____ sentabrdagi _____ sonli qarori bilan nashrga tavsiya etilgan.

TAVSIYALAR. Журнал Педагогика и психологии в современном образовании, (2). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/2619>

4. Axrorova, S. (2020). HOZIRGI ZAMONDA AUTIZMLI BOLALARNING TA'LIM-TARBIYA MUAMMOSI. *Архив Научных Публикаций JSPI, 1(75)*. извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6485

5. Yunusov, M. (2020). Мактабгача таълим жараёнига мультимедиа технологиясини татбиқ этиш. *Архив Научных Публикаций JSPI, 1(75)*. извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6480

6. haqberdiyev, jamoliddin. (2020). БОЛАЛАРНИНГ МАКТАБГА ПСИХОЛОГИК ТАЙЁРГАРЛИГИ МАСАЛАЛАРИ. *Архив Научных Публикаций JSPI, 1(70)*. извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6303

G. Temirova

JDPI Maxsus pedagogika kafedrasi o'qituvchisi

M. Qodirova

JDPI Maxsus pedagogika Defektologiya yo'nalishi (Logopediya) 303-kurs talabasi

“ИМО-ИШОРА НУТҚИНИ МАЗМУНИ, МАҚСАД ВА ЭГАЛЛАШ МЕТОДЛАРИ” МОДУЛИНИ ЎҚИТИШДА ИННАВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДН ФЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР

Имо-ишора нутқини мазмуни, мақсадини эгаллаш талабаларнинг мустақил ва ижодий фикрлаш асосида, эшитишда нуқсонли бўлган болаларни ўқитиш жараёнида коррекцион-тарбиявий ишларни амалга оширишга оид билимларни эгаллашга, махсус таълим жараёнида ижодий изланувчанлик билан ёндошиш, мулоҳазалар занжирини мантиқий қура олиш, кизиқарли материални танлаш, ўрганилаётган объектларнинг хоссаларини исботлаш бўйича малакалар ва кўникмаларни шакллантиришга, ўз билим ва малакаларини мустақил тўлдириб бориш кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган фан сифатида намоён бўлади³. “Имо-ишора нутқини мазмуни, мақсад ва эгаллаш методлари” модули таълимида педагогик технологияларни қўллаш бўйича илғор тажрибалар таҳлили педагогик технология функциясига аниқлик киритиш ва унинг концептуал моделини қуришга оид ёндашув вариантини асослаш имконини бериши. “Имо-ишора нутқини мазмуни, мақсад ва эгаллаш методлари” модули таълимида таълим мақсадини амалга оширишда турли таълим методларини танлашда энг асосий омил сифатида ўқув машғулотларининг дидактик вазифаси инобатга олинади. “Имо-ишора нутқини мазмуни, мақсад ва эгаллаш методлари” модули таълимида педагогик технологияларни қўллаш таълим методларини танлашнинг мезони дарс жараёнидаги таҳсил олувчилар сонини ҳисобга олишидир. Агар уларнинг сони кўплигини ташкил этмаса, у ҳолда фаол ўқитиш методларидан фойдаланиб, ўқитишни жадал суръатларда олиб бориш мумкин бўлади. Агарда кўп бўлса, уларнинг ҳар бирига эътибор бериш учун вақт етишмаслиги натижасида таҳсил олувчиларни бошқариш мураккаблашади. Бунда ўқув материални баён қилишда кўпроқ оғзаки усуллардан маъруза, ҳикоя тушунтиришлардан фойдаланилса, мақсадга мувофиқ бўлади. “Имо-ишора нутқини мазмуни, мақсад ва эгаллаш методлари” модули таълимида педагогик технологияларни қўллаш жараёнида талабаларни

ўқув имкониятлари – бунда таҳсил олувчиларнинг ёши, дарсларга тайёргарлик даражаси, жамоадаги ўзаро муносабатлар, ўз – ўзини бошқариш қобилиятларини эътиборга олиш лозим.

“Имо-ишора нутқини мазмуни, мақсад ва эгаллаш методлари” модули таълимида педагогик технологияларни қўллашга биноан таълим методларини танлашда юқорида келтирилган мезонларга асосланган ҳолда ўқув жараёнларини тўлиқ лойиҳалаштириш орқали ташкил этилади ва берилган ўқув материаллари мазмуни таҳсил уларга онгига тез – осон сингдирилишига ҳамда уларнинг хотирасида узоқ вақт сақланишига эришилади⁴. “Карусель” методи “Имо-ишора нутқини мазмуни, мақсад ва эгаллаш методлари” мавзу юзасидан маълумотларни умумлаштириш ва мукамал ўзлаштиришда самарали усул саналади. Ушбу усулни қўллаш қуйидагича амалга оширилиши мумкин:

Ҳар бир гуруҳга асосий саволлар бўлиб берилади. Ҳар бир гуруҳга қоғоз берилади ва гуруҳ аъзолари 4-5 дақиқа мобайнида ўзаро фикрлашиб, жавобни қоғозга ёзадилар. Белгиланган вақт ўтгач, ўқитувчининг ишораси билан микрогуруҳлар рақамига қараб жавоблар ёзилган қоғозни кейинги гуруҳга узатадилар. Ҳар бир гуруҳ ҳар бир саволга ўзидан олдинги гуруҳ ёзганига қўшимча жавоб ёзиб чиқадилар. Ҳар бир гуруҳ ўзининг ёзган жавобини изоҳлаб беради. Ҳар бир гуруҳнинг саволларга ёзган жавоби бошқа гуруҳларнинг қўшимча изоҳлари берилган ҳолатда ўзига қайтиб келади, гўё савол ёзилган, қоғоз гуруҳлар орасида айланиб, тўлдирилган шаклга келади. Ўқитувчи ёзилган жавобларга қараб микрогуруҳ аъзоларини баҳолайди. Ушбу методнинг афзаллиги шундан иборатки, бунда гуруҳ аъзолари мавзунини саволларга бўлиб, тўлиқ ўзлаштириш имкониятига эга бўлади. Ҳар бир гуруҳнинг фикрлари муҳокама қилиниши натижасида гуруҳ аъзолари ўз ютуқ ва камчиликларини аниқлаб олади. Энг муҳими талабалар мустақил фикрлашга, фаолликка йўналтирилади ва уларда бир-бирини баҳолай олиш кўникмаси шаклланади. Шу ерда муаммоли ва ҳамкорликдаги таълим технологияларининг ҳамоҳанг тарздаги уйғунлиги кўринади. “Имо-ишора нутқини мазмуни, мақсад ва эгаллаш методлари” модули таълимида самарали коммуникация ва фаолиятда мустақиллик билан таъминлаш мақсадида бугунги кунда кейс-технология, ривожлантирувчи таълим технологияси, шахсга йўналтирилган таълим технологияси, муаммовий-модуль технологияси, лойиҳавий таълим технологиясидан фойдаланилиши ижобий самара беради. Кейс-технология барча фаол таълим методларини ўз ичига олади. Кейс ҳал қилишда талаба нафақат эгалланган билимларни қўллаш, балки ўзининг шахсий сифатларини ҳам намоён этиш имкониятига эга бўлади⁵. Амалий машғулотларда ҳар бир талаба ишини максимал даражада фаоллаштириш ва уни кейс устида ишлаш жараёнига жалб қилиш мақсадида ўқув гуруҳлари 4-6 кишидан иборат ишчи кичик гуруҳларга бўлинади. Кичик гуруҳларни шакллантириш ва ролларни тақсимлаш талабаларнинг ўзларига топширилади. Кичик гуруҳларда ишлаш барча қатнашчиларнинг ижодий қобилиятини самарали намоён этишга, мусобақачилик руҳини ривожлантиришга, шахслараро ва гуруҳий коммуникация малакалари ва кўникмаларини ишлаб чиқишга ёрдам беради. Ўқув машғулотларининг турли босқичларида ҳар бир талаба мустақил ижодий фаолият тажрибасини тўплаб олиши учун индивидуал, гуруҳий ва жамоавий иш шакллари қўлланади. Кейс устида ишлаш жараёнида шунингдек гуруҳда муҳокама қилиш (шу жумладан, гуруҳда ишлаш, кубик ва синквейн, ақлий ҳужум) методи ҳам қўлланади. Имкон

даражада юқори самарага эга бўлиш мақсадида, аввалдан ишлаб чиқилган кейсдан ташқари, тегишли ахборот ва методик ҳамкорликдан фойдаланилади. Талабаларнинг ижодий потенциалини ривожлантиришда қўлланадиган “Кейс” номли тўлиқ иш комплекси тайёрланади. Кейс устида ишлашдан кўзланган мақсад талабаларнинг ижодий қобилиятини ривожлантиришга қаратилган педагогик жараён моделини экспериментал ва назорат гуруҳларида жорий этиш натижаларини қиёслашдан иборат бўлади. “6X6X6” методи “Имо-ишора нутқини мазмуни, мақсад ва эгаллаш методлари” модули таълимида бир вақтнинг ўзида 36 нафар ўқувчи-талабани муайян фаолиятга жалб этиш орқали мавзуга оид топшириқ ёки масалани ҳал этиш, шунингдек гуруҳларнинг ҳар бир аъзоси имкониятларини аниқлаш, уларнинг қарашларини билиб олишимконини беради. “6x6x6” методи асосида ташкил этилаётган машғулотда ҳар бирида 6 нафардан иштирокчи бўлган гуруҳ ўқитувчи томонидан ўртага ташланган муаммо муҳокама қилади. Белгиланган вақт ниҳоясига етгач, ўқитувчи 6 та гуруҳни қайта тузади. Қайтадан шаклланган гуруҳларнинг ҳар бирида аввалги 6 та гуруҳдан биттадан вакил бўлади. Янги шаклланган гуруҳ аъзолари ўз жамоадошларига аввалги гуруҳ томонидан муаммо (масала) ечими сифатида тақдим этилган хулосани баён этиб берадилар ва мазкур ечимларни биргаликда муҳокама қиладилар. “6x6x6” методининг афзаллик жиҳатлари шундаки, у гуруҳларнинг ҳар бир аъзосини фаол бўлишга, ўзларининг шахсий қарашларини ифода этишга ундайди, гуруҳнинг бошқа аъзоларининг фикрларини тинглай олиш кўникмаларини ҳосил қилади, илгари сурилаётган бир неча фикрни умумлаштира олиш, шунингдек ўз фикрини ҳимоя қилишга ўргатади⁶. Энг муҳими, машғулот иштирокчиларининг ҳар бири қисқа вақт 20 дақиқа мобайнида ҳам мунозара қатнашчиси, ҳам тингловчи, ҳам маърузачи сифатида фаолият олиб боради. Ушбу методни 5, 6, 7 ва ҳатто 8 нафар ўқувчи-талабадан иборат бўлган бир неча гуруҳларда ҳам қўллаш мумкин. Бироқ йирик гуруҳлар ўртасида “6x6x6” методи қўлланилганда вақтни кўпайтиришга тўғри келди. Чунки бундай машғулотларда мунозара учун ҳам, ахборот бериш учун ҳам бирмунча кўп вақт талаб этилади. “6x6x6” методидан таълим жараёнида фойдаланиш ўқитувчидан фаоллик, педагогик маҳорат, шунингдек гуруҳларни мақсадга мувофиқ шакллантира олиш лаёқатига эга бўлишни талаб этади. “6x6x6” методи ёрдамида машғулотлар қуйидаги тартибда ташкил этилади. Ўқитувчи машғулот бошланишидан олдин 6 та стол атрофига 6 тадан стул қўйиб чиқади. Кейин ўқувчи-талабаларни 6 та гуруҳга бўлади. Ўқувчи-талабаларни гуруҳларга бўлишда ўқитувчи қуйидагича йўл тутиши мумкин: 6 та столнинг ҳар бирига муайян объект (масалан, кема, тўлқин, балиқ, дельфин, кит, аюла) сурати чизилган лавҳани қўйиб чиқади. Машғулот иштирокчиларига ушбу варақчалардан бирини олиш таклиф этилади. Ҳар бир ўқувчи-талаба ўзи танлаган варақчада тасвирланган сурат билан номланувчи стол атрофига қўйилган стулдан жой эгаллайди. Ўқувчи-талабалар жойлашиб олганларидан сўнг ўқитувчи машғулот мавзусини эълон қилади ҳамда гуруҳларга муайян топшириқларни беради. Маълум вақт белгиланиб, мунозара жараёни ташкил этилади. Мунозара учун белгиланган вақт ниҳоясига етгач, ўқитувчи гуруҳларни қайтадан шакллантиради. Янгидан шаклланган ҳар бир гуруҳда аввалги 6 та гуруҳнинг ҳар биридан бир нафар вакил бўлишига алоҳида эътибор қаратилади. Ўқувчи-талабалар ўз ўринларини алмаштириб олганларидан сўнг, белгиланган вақт ичида гуруҳ аъзолари аввалги гуруҳларга топширилган вазифа ва унинг ечими хусусида гуруҳдошларига сўзлаб берадилар. Шу тартибда янгидан шаклланган гуруҳ аввалги гуруҳлар томонидан қабул қилинган хулосалар топшириқ ечимларини муҳокама қиладилар ва якуний

хулосага келадилар. “Қарорлар шажараси” (“қарорлар қабул қилиш технологияси”) методи “Имо-ишора нутқини мазмуни, мақсад ва эгаллаш методлари” модули мавзусини ўзлаштириш, мавзуни пухта таҳлил этиш асосида улар юзасидан муайян хулосаларга келиш, бир муаммо хусусида билдирилаётган бир неча хулосалар орасидан энг мақбул ҳамда тўғриси топишга йўналтирилган. “Қарорлар шажараси” методи аввалги вазиятларда қабул қилинган қарор ва хулосалар моҳиятини яна бир бора таҳлил этиш ва уни мукамал тушунишга хизмат қилади. Таълим жараёнида мазкур методнинг қўлланилиши муайян муаммо юзасидан оқилона қарор қабул қилиш (хулосага келиш)да ўқувчи-талабалар томонидан билдирилаётган ҳар бир вариант, уларнинг мақбул ҳамда номақбул жиҳатларини муфассал таҳлил этиш имкониятини яратади. “Қарорлар шажараси” методи қуйидаги тартибда ўтказилади⁷:

- ўқитувчи машғулот бошланишидан олдин мунозара, таҳлил учун мавзуга оид бирор муаммони белгилайди. Гуруҳлар томонидан қабул қилинган хулоса (қарор)ларни ёзиш учун плакатларни тайёрлайди;

- ўқитувчи талабаларни 4 ёки 6 нафардан иборат гуруҳларга ажратади ва муаммони ҳал этиб, бу борада энг мақбул қарор қабул қилиш учун муайян вақт белгилайди;

- қарорни қабул қилиш жараёнида гуруҳларнинг ҳар бир аъзоси томонидан билдирилаётган вариантларнинг мақбуллик ҳамда номақбуллик даражалари батафсил муҳокама қилинади. Ҳар бир вариантнинг афзаллик ва афзал бўлмаган жиҳатлари ёзиб борилади. Билдирилган вариантлар асосида муаммони ижобий ҳал этишга хизмат қилувчи усул хусусида гуруҳ аъзолари бир тўхтамга келиб оладилар;

- мунозара учун ажратилган вақт ниҳоясига етгач, ҳар бир гуруҳ аъзолари ўз гуруҳи қарори борасида ахборот берадилар. Зарур ҳолларда ўқитувчи раҳбарлигида барча талабалар билдирилган хулоса (қарор)ларни бир-бири билан қиёслайдилар. Муаммо юзасидан билдирилган қарорлар борасида саволлар туғилгудек бўлса, уларга жавоблар қайтарилиб борилади, ноаниқликларга аниқлик киритилади. Агарда барча гуруҳлар томонидан муаммо юзасидан бир хил қарорга келинган бўлса, ўқитувчи бунинг сабабини изоҳлайди.

“Қизил ва яшил рангли карточкалар билан ишлаш” методи “Имо-ишора нутқини мазмуни, мақсад ва эгаллаш методлари” мавзусини мустаҳкамлашга оид тезкор савол-жавобни ташкил этишда фойдаланиш мумкин. Методни қўллаш жараёнида қуйидаги амаллар бажарилади:

- ўқитувчи ўрганилаётган мавзунинг моҳиятини мантиқий кетма-кетликда ёритишга хизмат қилувчи тушунчаларни ифода этган махсус карточкалар мажмуини тайёрлайди (ҳар бир карточканинг орқа томонига мавзу моҳиятини ёритувчи “ядро” тушунчанинг биттадан ҳарфи жойлаштирилади ва махсус қоплама билан беркитилади);

- ҳар бир гуруҳга махсус карточкаларнинг алоҳида мажмуаси топширилади ва карточкаларни улардаги тушунчаларга асосан, мантиқий кетма-кетликда жойлаштириш вазифаси юкланади;

- гуруҳлар томонидан топшириқ бажарилиб бўлингач, карточкаларнинг орқа томони ўгирилади ва махсус қоплама очилиб, топшириқнинг қай даражада тўғри бажарилганлиги аниқланади.

“Заковатли зукко” методи “Имо-ишора нутқини мазмуни, мақсад ва эгаллаш методлари” мавзуси бўйича билимларни пухта ўзлаштиришда ўқувчи-талабаларнинг

фикрлаш, тафаккур юритиш лаёқатларига эгалиklarини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.⁸ “Заковатли зукко” методи ўқувчи-талабаларда тезкор фикрлаш кўникмаларини шакллантириш, шунингдек, уларнинг тафаккур тезликларини аниқлашга ёрдам беради. Метод ўз хоҳишларига кўра шахсий имкониятларини синаб кўриш истагида бўлган ўқувчи-талабалар учун қулай имконият яратади. Улар ўқитувчи томонидан берилган саволларга қисқа муддатларда тўғри ва аниқ жавоб қайтара олишлари зарур. Саволларнинг мураккаблик даражасига кўра ҳар бир саволга қайтарилган тўғри жавоб учун баллар белгиланади. Якуний балларнинг ўртача арифметик қийматини топиш асосида ўқувчи-талабаларнинг тафаккур тезлиги аниқланади. “Заковатли зукко” методи ўқувчи-талабалар билан яқка тартибда, гуруҳли ва оммавий ишлашда бирдек қўлланилиши мумкин.

Метод ўқувчи-талабаларда мантиқий фикрлаш, шахсий хатолар устида ишлаш кўникмаларини шакллантиришга ёрдам беради. Демак, “Инсерт” технологияси ўқув материалларини ўзлаштириш ва мустаҳкамлаш, ўқувчи-талабаларнинг китоб билан ишлаш кўникмаларини ривожлантириш, берилган вазифаларини мустақил бажаришда қўл келади. Ушбу технология қўлланилганда ўқувчи-талабалар матнлардан мустақил фойдаланиш, олинган ахборотларни таҳлил қилиш ва тизимлаштириш, уларни қисқа ва аниқ баён қилиш ҳамда танқидий фикрлаш кўникмасига эга бўлади. Ўқитишнинг ушбу технологиясида ўқитувчи янги мавзунини баён этмайди, балки унинг номини эълон қилади. Мавзу эълон қилинганда, ўқувчи-талабалар берилган матнни мустақил ўқиб, ўрганади. Шундан кейин келтирилган махсус жадвалнинг “биламан” (+), “билмайман” (-), “фикримга қарши” (х), “билишни хоҳлайман” (б), “тушунмадим” (?) деб номланган устунларини белгилар билан тўлдиради. Сўнг ўқитувчи ўқувчи-талабалар билан биргаликда тўлдирилган жадвалларни муҳокама қилади. Методнинг афзаллиги шундаки, ўқувчи-талаба матнлардан мустақил фойдалана олади, олинган ахборотларни мустақил таҳлил қила олади, ахборотларни тизимлаштириб, уларни қисқа ва аниқ баён қилиш кўникмасига эга бўлади, кичик гуруҳларда ишлаш жараёнида ҳар бир гуруҳ аъзосининг гуруҳ билан ишлаш ҳамжихатлигини мустаҳкамлайди. Методни қўллаш учун кўп вақт керак ва ҳар бир иштирокчи учун алоҳида тарқатма материал талаб этилади. Видеотаҳлил ҳам замонавий таълимда сўнгги йилларда тобора оммалашиб бораётган методлардан бири бўлиб, у “Имо-ишора нутқини мазмуни, мақсад ва эгаллаш методлари” мавзуси бўйича ўқув материалининг талабалар томонидан образли ўрганилишига ёрдам беради. Муайян назарий ёки амалий маълумотлар видео тасвир ёрдамида талабаларга етказилиб берилади. Таълим амалиётида видеотаҳлил сифатида ўқув кўрсатувлари, слайдлар, диафильмлардан самарали фойдаланиш тажрибаси мавжуд. Мазкур методдан фойдаланиш учун маълум техник воситалар, чунончи, видеокамера ҳамда тасвирни экранга узатиш қуриламаларининг мавжуд бўлиши талаб этилади, шунингдек, машғулот ташкил этилаётган хона маълум даражада жиҳозланиши (масалан хонада ёруғликни камайтириш имконини берувчи мосламалар бўлиши) лозим. Видео тасвир ёрдамида талабаларга ўқув материалини етказиб беришда ўқитувчининг касбий тайёргарликка, ижодкорлик, ташаббускорлик, ташкилотчилик каби қобилиятларга эга бўлишигина эмас, шу билан бирга техник воситалар билан ишлай олиш кўникмаларига эгаллиги ҳам муҳим аҳамият касб этади.⁹ Видеотаҳлил ҳам бошқа интерфаол методлар каби талабалар ўртасида баҳс-

мунозарани юзага келтириш, уларда ўрганилаётган ёки тасвирда намоёиш этилаётган муаммо бўйича шахсий қарашларни ҳосил қилиш имконини беради. Тасвир намоёиш этилгач, талабалар у юзасидан баҳсга киришиб, маълум муаммонинг ечимини топишга ҳаракат қилишлари лозим. Ушбу жараёнда асосий ўринларга эътибор қаратиш, намоёиш этилган материалнинг энг асосийларини ажратиб олиш, улар асосида қарорлар қабул қилиш ва умумий хулосаларга келиш муҳим аҳамиятга эга. Таълим жараёнида видеотаҳлил синф талабалари томонидан оммавий, гуруҳли ёки жуфтлик асосида олиб борилиши мумкин. Ҳаракат шаклининг танланиши тасвирда акс этган материалнинг мураккаблиги, талабалар учун қай даражада таниш ёки нотаниш бўлишига боғлиқ. Ўқитувчи видеотаҳлилни техник ҳамда ташкилий-технологик жиҳатдан тўғри ташкил этилишини назорат қилиб боради, зарур ўринларда талабаларга маслаҳат ёки кўрсатмалар бериб бориши мумкин. “Имо-ишора нутқини мазмуни, мақсад ва эгаллаш методлари” модулини ўқитиш жараёнида таълим методларини танлашда қуйидаги умумий шартларга амал қилиш мақсадга мувофиқдир:

1. Таълим методларининг етакчи ва умумий таълим тамойилларига мувофиқ келишига эришиш.

2. Имо-ишора нутқини мазмуни, мақсад ва эгаллаш методлари” модулини мазмуни, ўзлаштирилаётган мавзу хусусиятини инобатга олиш.

3. Таълим мақсадига эришиш ва педагогик вазифаларнинг ижобий ечимини таъминлашга хизмат қила олишига ишонч ҳосил қилиш.

4. Талабаларнинг ўқув имкониятларини эътиборда тутиш.

5. Педагогик жараён давомида турли хил ташқи омилларнинг таъсири ва кутилмаган ҳолатлар, вазиятлардан чиқиб кета олишга тайёр бўлиш.

“Имо-ишора нутқини мазмуни, мақсад ва эгаллаш методлари” модулини ўқитиш жараёнида юқорида тавсифи келтирилган интерфаол методлардан маърузаларда ва амалий машғулотларда фойдаланилиш ижобий самара беради. Таълим амалиётида фойдаланилаётган ҳар бир интерфаол методни синчиклаб ўрганиш ўқувчи- талабаларнинг фикрлашини кенгайтиради ҳамда муаммонинг тўғри ечимини топишига ижобий таъсир кўрсатади, талабаларнинг ижодкорлигини ва фаоллигини оширади. Демак, таълим методларини тўғри танлаш ва уларни амалга оширилиши ҳар бир ўтказилган ўқув машғулотларининг сифати билан бир қаторда таҳсил олувчиларнинг илмий – интеллектуал салоҳиятини оширишга, эркин фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга олиб келади.

Заиф эшитувчи болалар таснифидаги гуруҳларни эшитиш даражаси билан жуфтланг.

1-даража Эшитишни 50 Дб.гача йўқотиш Бундай бола 1м.дан ортиқ масофадаги нутқни фарқлайди.

2-даража Эшитишни 50-70 Дб.гача йўқотиш Бундай бола 1м.гача масофадаги нутқни фарқ қилади.

3-даража Эшитишни 70 Дб.дан юқори йўқотиш. Бундай бола кулоқ олдида ва кулоқ супрасига айтилган нутқни ҳам фарқлаши қийин.

2. Кар болалар таснифидаги гуруҳларни эшитиш мезони билан жуфтланг.

1- гуруҳ Энг паст частоталарни қабул қилиш (125-250 Гц.);

2- гуруҳ-500 Гцгача частоталарни қабул қилиш;

3- гуруҳ паст ва ўрта частоталарни қабул қилиш (1000 Гцгача)

4- гуруҳ 2000 Гцгача частоталарни қабул қилиш.

3. Эшитиш мезонлари Герц-ўлчов бирлиги таърифлари билан жуфтланг.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Йўлдошев Ж., Усмонов С. Педагогик технология асослари –Т.: Ўқитувчи, 2004.
2. Юцявичине Л.А. Теория и практика модульного обучения.- Каунас: Швиеса, 1999.
3. Зиёмухаммедов Б. Илғор педагогик технология: назария ва амалиёт. –Т.; Ибн Сино. 2001.
4. Б.Зиёмухаммедов Илғор педагогик технология Т., 2002.
5. Файзиева Сурдопедогогика –Т.:Сано-стандарт ,2013
6. Muzaffarova, x. (2020). didaktik o'yin texnologiyalari – pedagogik fenomen sifatida. *arxiv nauchnyx publikatsiy jspi, 1(92)*. izvlecheno ot https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/7483
7. Muzaffarova, x. (2020). aqli zaif bolalar bilan korreksion- rivojlantirish ishlarini tashkillashtirishga yangicha yondoshuvlar: uz akademiya. *arxiv nauchnyx publikatsiy jspi, 1(92)*. izvlecheno ot https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/7485
8. Temurova, g. (2020). the role of legalities and principles in the development of oral speech of weak auditory learners in the educational process. *архив научных публикаций jspi, 1(91)*. извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6842
9. Gulchexra temurova, мактабгача ёшдаги эшитишида нуқсони бўлган болаларнинг умумий моторикасини ривожлантириш , архив научных публикаций jspi: 2020: архив №91 ([science.i-edu.uz, jspi.uz](https://science.i-edu.uz/jspi.uz))
10. Temurova, g. (2020). мулоқот эҳтиёжининг асоси. *архив научных публикаций jspi, 1(69)*. извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6278
11. Temurova, g. (2020). мактабгача ёшдаги эшитишида нуқсони бўлган болаларнинг умумий моторикасини ривожлантириш. *архив научных публикаций jspi, 1(91)*. извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6843
12. Temurova, g. (2020). developing the speech of hearingimpaired pupils in primary school based on game technology. *архив научных публикаций jspi, 1(70)*. извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6271
13. Temurova, g. (2020). o'yin – eshitishida nuqsoni bo'lgan bolalarning nutqiy qobiliyatlarini faollashtirish omili sifatida. *архив научных публикаций jspi, 1(92)*. извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6792
14. Temurova, g. (2020). имконияти чекланган болаларни соғломлаштиришда жисмоний машқларнинг аҳамияти. *архив научных публикаций jspi, 1(91)*. извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6844